QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# FARMONI

2026 yil «24» июль ПФ–141 -son

## Рақамли технологиялар соҳасида стратегик режалаштириш ҳамда ушбу соҳада давлат назорати янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Бугунги кунда мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини жадал ривожлантириш, ушбу технологияларга асосланган ечимларни кенг татбиқ этиш, соҳада малакали кадрларни етиштириш бўйича мутлақо янги стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизими жорий этилгани муносабати билан "Рақамли Ўзбекистон – 2030" ва Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияларини янги талаблар асосида такомиллаштириш ва уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳамда рақамли технологиялар соҳасида давлат назоратини самарали ташкил этиш мақсадида **қарор қиламан**:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **иловага** мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**(а)** рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳаларига оид мақсадли кўрсаткичларни "Ўзбекистон – 2030" стратегияси мақсадларига мувофиқлаштириш;

**(б)** "Беш миллион сунъий интеллект етакчилари" лойиҳаси доирасида ўқитилган ёшлар сонини 2030 йилга қадар 5 миллион нафарга етказиш;

**(в)** радиочастота спектридан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш;

**(г)** рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш даражасини янги босқичга олиб чиқиш орқали тармоқлар самарадорлигини ошириш;

**(д)** ахборот ва оммавий коммуникациялар, телекоммуникациялар, рақамли технологиялар ваноширлик соҳаларида давлат назоратини мустаҳкамлаш.

**2.** Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

**3.** Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июлдаги ПФ–141-сон Фармонига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6079-сон Фармонида:

**(а)** 3-бандда:

**(i)** қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш йўналишидаги ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш ҳамда мамлакатимизни ушбу ҳисоботда 2030 йилга қадар Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси бўйича давлатлар рўйхатида биринчи 30 таликка киритиш”;

**(ii)** еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(б)** 15-бандда:

**(i)** қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш”;

**(ii)** бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(iii)** олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“идоравий рақамли инфратузилманинг ахборот хавфсизлигини, шунингдек, электрон маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳимоясини таъминлаш ҳамда ахборот коммуникация технологияларига масъул таркибий бўлинмалар ходимларининг билим ва малакасини ошириб бориш.

Рақамлаштириш бўйича ўринбосарларнинг тегишли йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Рақамли технологиялар вазирлигига юклатилсин”;

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



**(в)** 16-банднинг иккинчи – тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясида кўзда тутилган лойиҳаларнинг ўз вақтида ва кенг кўламда амалга оширилишини таъминлаганлиги учун, шунингдек, рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш натижаларига кўра давлат органлари, устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари)нинг раҳбарлари ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига ҳар ойда ойлик маошининг 30 фоизи миқдорида устама тўланади. Мазкур ходимларга устама тўлаш тегишли ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан ва унинг доирасида амалга оширилади;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили июнь ойи якунига қадар рақамлаштириш бўйича ўз фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишган ҳолда шакллантиради;

ҳар чоракда рақамлаштириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларига эришилганлиги, шунингдек, рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш натижалари юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан бериладиган хулоса раҳбарлар ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига ҳар ойда уларнинг ойлик маошига мазкур бандда кўзда тутилган устамани тўлаш учун асос бўлади";

**(г)** 17-бандда:

**(i)** биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"17. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларида илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларнинг мақсадли дастурларини Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашига тасдиқлаш учун киритиб борсин ҳамда ушбу соҳада алоҳида эътиборни қуйидагиларга қаратсин";

**(ii)** бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Белгилаб қўйилсинки, мақсадли дастурларни молиялаштириш харажатлари илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади";

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



**(д)** 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

а) давлат органлари ва ташкилотларининг рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарлари — ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар “NIS.UZ” идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимига ушбу Фармон билан тасдиқланган Стратегия, дастурлар ва “йўл харита”лари ҳамда идоравий рақамли трансформация дастурларида назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишига доир маълумотлар киритиб борилиши учун масъул этиб белгиланади;

б) рақамли технологиялар вазири Ш. Шерматов:

масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини идоралараро мувофиқлаштиради, уларнинг фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш ҳолатини баҳолайди ҳамда мунтазам равишда рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил этади;

ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ушбу Фармон билан тасдиқланган Стратегия, дастурлар ва “йўл харита”лари ҳамда идоравий рақамли трансформация дастурлари ижроси тўғрисида умумлашган таҳлилий маълумотларни Мувофиқлаштирувчи комиссияга киритади;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Сунъий интеллект ва рақамли технологияларни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи;

Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан тизимли назоратни ташкил этади, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишларида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг рақамлаштириш соҳасидаги фаолиятини танқидий кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарларининг фаолияти натижадорлигидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантириш ёки интизомий, шу жумладан эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган чораларни кўриш бўйича таклифларни киритади”.

**(ж)** 1-иловада:

**(i)** 2.1.-параграф қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“олис ҳудудларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш мақсадида йўлдош алоқа технологияларини жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш”;

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



**(ii)** 2.2-параграф номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.2 Рақамли ҳукуматни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”;

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Рақамли ҳукуматни ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади”;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мамлакат миқёсида сифатли ва талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини янада кенгайтириш, босқичма-босқич 2030 йилга қадар электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 90 фоиздан ошириш, композит ва проактив тарзда кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини камида 400 тага етказиш”;

қуйидаги мазмундаги ўн саккизинчи – йигирманчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“давлат органлари веб-сайти, портал ва бошқа муҳим ахборот ресурсларидан ногиронлиги бўлган шахслар қулай фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш;

фуқароларнинг ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича мурожаати, маҳаллалардаги оилалар ва аҳоли маълумотларини юритиш ҳамда маҳаллаларда аҳоли билан ишлаш жараёнлари “Рақамли маҳалла” платформаси орқали амалга ошириш;

Ягона порталда жорий этилган рақамли хизматларни хатловдан ўтказиш ҳамда улардан фойдаланиш босқичлари 3 та қадамдан ортиқ бўлган хизматларнинг маъмурий жараёнларини “Digital by default” тамойили асосида мақбуллаштириш”;

ўн саккизинчи – йигирма тўртинчи хатбошилар тегишинча йигирма биринчи – йигирма еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(iii)** 2.4-параграфда:

қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Рақамли технологиялар йўналишида стартапларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инкубация ва акселерация дастурларини ташкил этиш ҳамда етакчи эксперт ва бизнес менторларни жалб қилган ҳолда стартап лойиҳаларга услубий ёрдам кўрсатиб бориш”;

биринчи – йигирма иккинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – йигирма учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(iv)** 2.5-параграфда:

қуйидаги мазмундаги йигирма биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“хотин-қизларнинг компьютер саводхонлигини ошириш”;

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-у.



йигирма биринчи – қирқ иккинчи хатбошилар тегишинча йигирма иккинчи – қирқ учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги қирқ тўртинчи – элликинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

"хотин-қизларни рақамли технологиялар соҳасига кенг жалб қилишга қаратилган турли лойиҳалар ва тадбирларни ташкил этиш орқали қўллаб-қувватлаш;

ҳудудларда ёшларни рақамли технологиялар ва хорижий тилларга ўқитишга йўналтирилган IT-шаҳарчаларни ташкил этиш;

аҳоли ўртасида сунъий интеллект йўналишида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун "Беш миллион сунъий интеллект етакчилари" лойиҳасини амалга ошириш;

ёшлар орасида сунъий интеллект технологияларини оммалаштириш, шунингдек, аҳолининг барча қатламлари орасида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;

халқаро йирик компаниялар билан ҳамкорликда сунъий интеллект йўналишидаги кадрлар малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

кадрлар алмашинуви ва ўзаро тажриба алмашиш жараёнларини ташкил қилиш, илмий ташкилотлар ва хусусий сектор ҳамкорлигида қўшма тадқиқотлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

юқори синф ўқувчиларини рақамли технологиялар соҳасида талаб юқори бўлган касбга тайёрлашнинг "Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари" тизимини жорий этиш";

**(v)** қуйидаги мазмундаги 2.6-параграф билан тўлдирилсин:

**"2.6. Сунъий интеллект технологиялари ва космик тадқиқотлар соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш;

сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, соҳада стандартларни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш;

сунъий интеллект технологияларини амалга ошириш бўйича параллел ҳисоблаш, машинавий ўқитиш ва бошқа лойиҳалар учун зарур бўлган график ишлов бериш блокларини (GPU) ўз ичига олган юқори самарали ҳисоблаш кластерини (суперкомпьютер) ишга тушириш;

давлат бошқаруви органлари, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини кенг жорий қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;

ёшларнинг сунъий интеллект технологияларига қизиқишини ошириш ва стартап экотизимини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Умуммиллий сунъий интеллект хакатонини ўтказишни йўлга қўйиш;

мамлакатда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларида 15 тадан ортиқ сунъий интеллект лабораторияларини ишга тушириш;

сунъий интеллект технологиялари бўйича этика қоидаларини ишлаб чиқиш;

соҳадаги давлат стандартлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

сунъий интеллект технологиялари соҳасидаги институционал асосларни шакллантириш;

иқтисодиёт тармоқларидаги ўзгаришлар тенденцияси ва муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ҳамда самарадорликни ошириш мақсадида давлат космик мониторингини ўтказиш;

давлат космик мониторинги доирасида аниқланадиган барча маълумотларни марказлашган ягона миллий платформада сақлаш ва юритишни таъминлаш";

**(vi)** 3-бобда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"оптик толали алоқа линиялари ва кенг полосали маълумот узатиш тармоқларининг қамровини 99 фоизгача етказиш";

учинчи – йигирма биринчи хатбошилар тегишинча тўртинчи – йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Ягона интерактив давлат хизматлари портали электрон давлат хизматларига нисбатан мобил қурилмалар ёрдамида фойдаланиш имкониятига эга электрон давлат хизматлари улушини 90 фоизга етказиш";

ўн иккинчи – йигирма иккинчи хатбошилар тегишинча ўн учинчи – йигирма учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги йигирма биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Беш миллион сунъий интеллект етакчилари" миллий дастури доирасида 5 миллион ёшларни сунъий интеллект бўйича онлайн ўқитишга эришиш";

йигирма биринчи – йигирма учинчи хатбошилар тегишинча йигирма иккинчи – йигирма тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(vii)** қуйидаги мазмундаги 4 ва 5-боблар билан тўлдирилсин:

**“4-боб. Мониторинг ва ҳисобот бериш механизмлари**

Стратегияда белгиланган амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва мақсадларга эришилишини мониторинг қилиш мақсадида Рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари раислигида мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ тузилади.

Ишчи гуруҳ томонидан амалий тадбирлар режасида белгиланган ҳар бир вазифанинг бажарилиши ҳолати ва натижадорлик мезонларига кўра ҳар бир ислоҳот кўзланган мақсадларга эришишга хизмат қилаётганлиги ўрганилади ва баҳоланади.

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 25-санасига қадар ушбу Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан тизимли назоратни ташкил этади ва Реестрга мувофиқ очиқ маълумотлар тўпламлари жойлаштирилиб борилиши ҳолатига доир таҳлилий маълумотларни Мувофиқлаштирувчи комиссияга ҳамда Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформасига киритади;

Рақамли технологиялар вазирлиги таҳлилий маълумотларни Мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишларида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг рақамлаштириш соҳасидаги фаолиятини танқидий кўриб чиқиш учун киритиб боради.

**5-боб. Баҳолаш механизмлари**

Стратегиянинг амалга оширилиш самарадорлиги ва белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш даражаси, мақсадли индикаторлар, халқаро рейтинг ва индекслар ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг рақамли трансформация ҳолатини баҳолаш натижалари асосида мунтазам мониторинг қилинади ва баҳоланади.

Қуйидагилар Стратегиянинг амалга оширилиш самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳисобланади:

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари стратегия ижросининг асосий стратегик индикатори бўлиб, унинг умумий самарадорлигини баҳолашга хизмат қилади;

мазкур мақсадли кўрсаткичлар Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳоловчи энг муҳим кўрсаткичларда (KPI) акс эттирилади ва доимий назорат қилиб борилади;

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



ахборот технологиялари соҳасида халқаро ташкилотлар томонидан баҳоланадиган рейтинг ва индекслар стратегия ижроси самарадорлигини ташқи баҳолаш мезони сифатида қўлланилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг рақамли трансформация ҳолати ҳар ярим йилликда баҳолаб борилади ва тегишли чоралар кўрилади".

**(з)** “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясига ИЛОВА қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

““Рақамли Ўзбекистон – 2030”
стратегиясига
ИЛОВА

**“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг**
**МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| | |
|---|---|
| “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мақсади ва самарадорлик кўрсаткичлари: | **57-мақсад.** Рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий IT хабга айлантириш.<br>Сунъий интеллект етакчилари сонини 5 миллион нафарга етказиш.<br>Халқаро интернетга уланиш тезлигини 5 000 Гбит/сга етказиш.<br>Оптик толали алоқа линиялари ва кенг полосали маълумот узатиш тармоқларининг қамровини 99 фоизгача етказиш.<br>Стартап экотизимининг ягона платформасида (startupbase.uz) рўйхатдан ўтган маҳаллий стартапларнинг йиллик инкубация ва акселерация дастурларидан ўтказиш улушини 10 фоиздан кам бўлмаган даражада таъминлаш.<br>Халқаро аҳамиятга эга автомагистралларни 100 фоиз мобил интернет билан таъминлаш.<br>**77-мақсад.** Давлат хизматларини рақамлаштиришнинг кўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун “Сервис давлат” тизимини жорий қилиш, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларга барҳам бериш.<br>БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида топ-30 таликка киришга эришиш.<br>Электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 90 фоиздан ошириш.<br>Ягона интерактив давлат хизматлари портали мобиль иловасида жорий қилинган. хизматларнинг ягона порталдаги мавжуд хизматларга нисбатан улушини 90 фоизга етказиш.<br>Композит ва проактив тарзда кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини камида 400 тага етказиш. |
| Стратегик режалаштириш ҳужжатининг умумлашган ҳисоботи учун масъул ташкилот: | Рақамли технологиялар вазирлиги |

| Стратегик режалаштириш ҳужжатининг мақсади: | | 2030 йилга қадар рақамли технологиялар соҳасини янада ривожлантириш мақсадида телекоммуникация инфратузилмаларини кенгайтириш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сонини ошириш, идоралараро интеграцияни кучайтириш, стартап лойиҳаларни инкубация ва акселерация босқичларидан самарали ўтказишни тизимли йўлга қўйиш ва аҳолининг сунъий интеллект йўналишида билим ва малакаларини ошириш. | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Стратегик режалаштириш ҳужжатининг таъсир (impact) кўрсаткичи** | **Ўлчов бирлиги** | **Ҳисоблаш формуласи** | **Амалдаги кўрсаткич (энг охирги долзарб кўрсаткич)** | **Оралиқ кўрсаткичлар (йиллар кесимида)** | **Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич** | **Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот** | **Маълумот тақдим этиш даврийлиги** |
| "Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси"нинг (EGDI) самарадорлик кўрсаткичини яхшилаш | балл (0-1 оралиғида) | Кўрсаткич қиймати | 0,79 | 2026 – 0,80<br>2028 – 0,83 | 0,90 | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |
| Стратегиянинг вазифаси | | "Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси"да (EGDI) мамлакатимиз кўрсаткичини яхшилаш | | | | | |
| **Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи** | **Ўлчов бирлиги** | **Ҳисоблаш формуласи** | **Амалдаги кўрсаткич (энг охирги долзарб кўрсаткич)** | **Оралиқ кўрсаткичлар (йиллар кесимида)** | **Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич** | **Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот** | **Маълумот тақдим этиш даврийлиги** |
| Халқаро аҳамиятга эга автомагистраль йўлларни тўлиқ мобил Интернет билан таъминлаш | фоиз | Мақсадли кўрсаткичнинг умумий кўрсаткичга | 95 | 2026 – 96<br>2027 – 97<br>2028 – 98<br>2029 – 99 | 100 | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги |

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | нисбати (фоизда) | | | | | ойнинг 25 санасига қадар |
| Аҳоли пунктларини оптик толали алоқа линиялари билан қамровини ошириш | фоиз | Мақсадли кўрсаткичнинг умумий кўрсаткичга нисбати (фоизда) | 98 | 2026 – 98,2<br>2027 – 98,5<br>2028 – 98,7<br>2029 – 98,9 | 99,0 | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |
| Электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 90 фоиздан ошириш | фоиз | Мақсадли кўрсаткичнинг умумий кўрсаткичга нисбати (фоизда) | 63 | 2026 – 70<br>2027 – 75<br>2028 – 80<br>2029 – 85 | 90 | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |
| Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган транзакциявий хизматлар улушини ошириш | фоиз | Мақсадли кўрсаткичнинг умумий кўрсаткичга нисбати (фоизда) | 55 | 2026 – 63<br>2027 – 65<br>2028 – 67<br>2029 – 70 | 75 | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |
| Корхона ресурсларини бошқариш тизимини (ERP) жорий қилган йирик хўжалик юритувчи субъектлар улуши | фоиз | Мақсадли кўрсаткичнинг умумий кўрсаткичга нисбати (фоизда) | 60 | 2026 – 70<br>2027 – 75<br>2028 – 80<br>2029 – 85 | 100 | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига Қадар |

Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)

| **Чора-тадбирлар номи** | **Мазкур чора-тадбирни** | **Ўлчов бирлиги** | **Амалдаги кўрсаткич (энг охирги** | **Якуний кўрсаткич** | **Молиялаштир иш ҳажми ва манбаси** | **Чора-тадбирлар ижросига** | **Маълумот манбаси ва тақдим этишга** | **Бажариш муддати** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | **амалга оширишнинг бевосита фаолият натижаси кўрсаткичи (output)** | | **долзарб кўрсаткич)** | | | **масъул ташкилот/идора** | **масъул ташкилот** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Республика бўйлаб оптик толали алоқа линиялари узунлигини ошириш | Республика бўйлаб оптик толали алоқа линиялари узунлигини 430 минг кмга етказиш | минг км | 340 | 430 | Телекоммуникация оператор ва провайдерлари маблағлари | Рақамли технологиялар вазирлиги | Рақамли технологиялар вазирлиги | 2026–2030 йиллар |
| Халқаро интернетга уланиш тезлигини ошириш | Халқаро интернетга уланиш тезлигини 5000 Гбит/с.га етказиш (Гбит/с) | Гбит/с | 4 400 | 5 000 | Телекоммуникация оператор ва провайдерлари маблағлари | Рақамли технологиялар вазирлиги | Рақамли технологиялар вазирлиги | 2026–2030 йиллар |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ягона интерактив давлат хизматлари портали мобил иловасида жорий қилинган хизматларнинг ягона порталдаги мавжуд хизматларга нисбатан улушини ошириш | Ягона интерактив давлат хизматлари портали мобил иловасида жорий қилинган хизматларнинг ягона порталдаги мавжуд хизматларга нисбатан улушини 90 фоизга етказиш | фоиз | 65 | 90 | Ижрочи маблағлари | Рақамли технологиялар вазирлиги | Рақамли технологиялар вазирлиги | 2026–2030 йиллар |
| Ягона биллинг орқали амалга оширилган транзакциялар сонини ошириш | Ягона биллинг орқали амалга оширилган транзакциялар сонини 45 млнга етказиш | млн та | 40 | 45 | Алоҳида ҳисоб-китоб асосида | Рақамли технологиялар вазирлиги | Рақамли технологиялар вазирлиги | 2026–2030 йиллар |
| **Стратегик режалаштириш ҳужжатининг таъсир (impact) кўрсаткичи** | | **Ўлчов бирлиги** | **Ҳисоблаш формуласи** | **Амалдаги кўрсаткич (энг охирги долзарб кўрсаткич)** | **Оралиқ кўрсаткичлар (йиллар кесимида)** | **Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич** | **Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот** | **Маълумот тақдим этиш даврийлиги** |

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Сунъий интеллект етакчилари сонини 5 миллион нафарга етказиш | млн | Кўрсаткич қиймати | 0,08 | 2026 – 0,5<br>2027 – 1<br>2028 – 2<br>2029 – 3 | 5 | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |
| Стратегиянинг вазифаси | Сунъий интеллект етакчилари сонини ошириш | | | | | | |
| **Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи** | **Ўлчов бирлиги** | **Ҳисоблаш формуласи** | **Амалдаги кўрсаткич (энг охирги долзарб кўрсаткич)** | **Оралиқ кўрсаткичлар (йиллар кесимида)** | **Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич** | **Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот** | **Маълумот тақдим этиш даврийлиги** |
| Сунъий интеллект етакчилари сонини ошириш | млн | Кўрсаткич қиймати | 0,08 | 2026 – 0,5<br>2027 – 1<br>2028 – 2<br>2029 – 3 | 5 | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |

Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)

| **Чора-тадбирлар номи** | **Мазкур чора-тадбирни амалга оширишнинг бевосита фаолият натижаси кўрсаткичи (output)** | **Ўлчов бирлиги** | **Амалдаги кўрсаткич (энг охирги долзарб кўрсаткич)** | **Якуний кўрсаткич** | **Молиялаштириш ҳажми ва манбаси** | **Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот/идора** | **Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот** | **Бажариш муддати** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Сунъий интеллект | Сунъий интеллект | млн | 0,08 | 5 | Бюджетдан ташқари | Рақамли технологиялар | Рақамли технологиялар | Ҳар чорак якуни бўйича |

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| етакчилари сонини ошириш | етакчилари сонини 5 миллион нафарга етказиш | | | | маблағлар | вазирлиги | вазирлиги | чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |
| **Стратегик режалаштириш ҳужжатининг таъсир (impact) кўрсаткичи** | | **Ўлчов бирлиги** | **Ҳисоблаш формуласи** | **Амалдаги кўрсаткич (энг охирги долзарб кўрсаткич)** | **Оралиқ кўрсаткичлар (йиллар кесимида)** | **Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич** | **Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот** | **Маълумот тақдим этиш даврийлиги** |
| Стартап экотизимининг ягона платформасида (startupbase.uz) рўйхатдан ўтган маҳаллий стартапларнинг йиллик инкубация ва акселерация дастурларидан ўтказиш улушини 10 фоиздан кам бўлмаган даражада таъминлаш | | фоиз | Мақсадли кўрсаткичнинг умумий кўрсаткичга нисбати (фоизда) | 0 | 2026 – 10<br>2027 – 10<br>2028 – 10<br>2029 – 10 | 10 | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |
| Стратегиянинг вазифаси | | | Стартап экотизимининг ягона платформасида (startupbase.uz) рўйхатдан ўтган маҳаллий стартапларнинг йиллик инкубация ва акселерация дастурларидан ўтказиш. | | | | | |
| **Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи** | | **Ўлчов бирлиги** | **Ҳисоблаш формуласи** | **Амалдаги кўрсаткич (энг охирги долзарб кўрсаткич)** | **Оралиқ кўрсаткичлар (йиллар кесимида)** | **Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич** | **Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот** | **Маълумот тақдим этиш даврийлиги** |
| Стартап экотизимининг ягона | | фоиз | Мақсадли | 0 | 2026 – 10 | 10 | Рақамли | Ҳар чорак |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| платформасида (startupbase.uz) рўйхатдан ўтган маҳаллий стартапларнинг йиллик инкубация ва акселерация дастурларидан ўтказиш. | | | кўрсаткичнинг умумий кўрсаткичга нисбати (фоизда) | | 2027 – 10<br>2028 – 10<br>2029 – 10 | | технологиялар вазирлиги | якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |
| Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output) | | | | | | | | |
| **Чора-тадбирлар номи** | **Мазкур чора-тадбирни амалга оширишнинг бевосита фаолият натижаси кўрсаткичи (output)** | **Ўлчов бирлиги** | **Амалдаги кўрсаткич (энг охирги долзарб кўрсаткич)** | **Якуний кўрсаткич** | **Молиялаштириш ҳажми ва манбаси** | **Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот/идора** | **Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот** | **Бажариш муддати** |
| Стартап экотизимининг ягона платформасида (startupbase.uz) рўйхатдан ўтган маҳаллий стартапларнинг йиллик инкубация ва акселерация дастурларидан ўтказиш. | Стартап экотизимининг ягона платформасида (startupbase.uz) рўйхатдан ўтган маҳаллий стартапларнинг йиллик инкубация ва акселерация | фоиз | 0 | 10 | Бюджетдан ташқари маблағлар | Рақамли технологиялар вазирлиги | Рақамли технологиялар вазирлиги | Ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | дастурларидан ўтказиш улушини 10 фоиздан кам бўлмаган даражада таъминлаш | | | | | | | |

".

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон Фармони билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари – вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар ҳамда улар ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг жами бошқарув ходимларининг умумий чекланган сонида:

**(а)** "Жами" позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

| | | | |
|---|---|---|---|
| Жами | 44 187 | 40 972 | 3 215 |

";

**(б)** "10. Рақамли технологиялар вазирлиги" бўлимининг 2-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 2. | Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси | 172 | | 172 |
| | *шу жумладан, бошлиқ ўринбосарлари сони* | 2 | | 2 |

".

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–184-сон Фармони билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишга ваколатли органлар ва уларнинг назорат соҳалари рўйхатида:

**(а)** 23-позиция чиқариб ташлансин;

**(б)** 35-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

| | | |
|---|---|---|
| 35. | Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси | Ахборотлаштириш, телекоммуникациялар, почта алоқаси, рақамли технологиялар, сунъий интеллект соҳаларида, шу жумладан, ахборот тизими ва ресурслари, маълумотлар базалари, рақамли хизматлар, дастурий таъминот фаолияти, оммавий ахборот воситалари фаолияти,ноширлик ва матбаа фаолияти назорати ҳамда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш |

".

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 22 октябрдаги "Радиочастота спектрини бошқаришни ташкил қилиш ва фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ–2053-сон қарорида:

**(а)** 1-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



"Радиочастоталар бўйича республика кенгаши мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги Қонунида белгиланган радиочастота органлари ўз ваколатлари доирасида радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги бошқарувни амалга оширадилар";

**(б)** 2-бандда:

**(i)** иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

**(ii)** учинчи – еттинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(в)** 5-бандда:

**(i)** биринчи хатбошидаги "Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш" сўзлари "Рақамли технологиялар" сўзлари билан алмаштирилсин;

**(ii)** иккинчи хатбошидаги "Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш" сўзлари "Рақамли технологиялар" сўзлари билан алмаштирилсин;

**(г)** 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2013 йил 22 октябрдаги ПҚ–2053-сон қарорига
1-илова

Радиочастоталар бўйича республика кенгаши
ТАРКИБИ

| | |
|---|---|
| А.Н. Арипов | – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Республика кенгаши раиси |
| Ш.Х. Шерматов | – рақамли технологиялар вазири, Республика кенгаши раисининг ўринбосари |
| С.А. Юсупов | – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибияти масъул ходими |
| С.Т. Зупаров | – фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари |
| М.Ш. Истамов | – адлия вазирининг биринчи ўринбосари |
| З.Р. Иминов | – мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи |
| М.А. Мадраҳимов | – ташқи ишлар вазири ўринбосари |
| З.К. Курбанов | – ички ишлар вазири ўринбосари |
| И.А. Абдугафаров | – транспорт вазири ўринбосари |

| | | |
|---|---|---|
| Лавозими бўйича | – | Давлат хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари |
| Д.И. Қурёзов | – | Телекоммуникацияларни тартибга солиш агентлиги директори |
| Ғ.Ф. Насиров | – | Божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| Д.Т. Рустамов | – | рақамли технологиялар вазирининг маслаҳатчиси |
| Л.Ф. Саидорипов | – | Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари |
| И.А. Каримов | – | Гидрометеорология хизмати агентлиги директорининг ўринбосари |
| А.А. Джурабоев | – | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси |
| Т.А. Назаров | – | Фуқаро авиацияси агентлиги директори |
| У.А. Мажидов | – | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғининг ўринбосари – 29543-ҳарбий қисм командири |
| Лавозими бўйича | – | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штабининг Алоқа, ахборот технологиялари ва ахборотларни ҳимоялаш бош бошқармаси бошлиғи |
| Лавозими бўйича | – | Давлат хавфсизлик хизматининг Махсус алоқа ва ахборотни ҳимоялаш маркази бошлиғи |
| Ф.Ш. Рустамов | – | Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи |
| Р.П. Мансуров | – | Электромагнит мослашув маркази бошлиғи |
| Д.Х. Дусматов | – | Рақамли технологиялар вазирлигининг Радиочастота спектридан фойдаланишни тартибга солиш бўлими бошлиғи, Республика кенгаши котиби |

*Изоҳ: Республика кенгашининг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади*";

**(д)** 2-иловада:

**(i)** 5-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш имконияти, шунингдек, ишлаб чиқилаётган (яратилган), модернизация қилинадиган, ишлаб чиқарилаётган ва хориждан олиб кириладиган (хориждан харид қилинадиган) радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар учун радиочастота полосаларини (номиналларини) ажратиш тўғрисида вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқади ва улар бўйича қарор қабул қилади";

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи – ўн еттинчи хатбошилар тегишлича олтинчи – ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“радиочастота бириктиришларини хорижий давлатлар алоқа маъмуриятлари билан мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси радиоэлектрон воситаларига радиочастота бириктиришларини Халқаро электр алоқа иттифоқида рўйхатдан ўтказишни белгиланган тартибда амалга оширади”;

**(ii)** 7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(iii)** 8–10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. РЧРК таркиби, жумладан, унинг раиси ва раис ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

9. РЧРК аъзолари ўз мажбуриятларини жамоатчилик асосида бажаради.

10. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Радиочастоталар бўйича республика кенгашининг ишчи органи ҳисобланади ҳамда унинг фаолиятини ташкилий-техник таъминлаш, материалларни мувофиқлаштириш, ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бўйича жорий тезкор ишларни бажаради.

Таҳлилий маълумотларни тезкор кўриб чиқиш ва тегишли таклифларни тайёрлаш учун ишчи орган жамоатчилик асосида манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг мутахассисларидан иборат комиссия ва гуруҳларни тузиши мумкин”.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4024-сон қарорида:

**(а)** 2-бандда:

**(i)** иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

**(ii)** учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(б)** 5-банднинг “а” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(в)** 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5490-сон Фармони 5 ва 6-бандлари

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



талаблари Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси томонидан амалга ошириладиган текширишларга татбиқ этилмайди";

**(г)** 1–3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 сентябрдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–4452-сон қарорида:

**(а)** 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(б)** 2-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

**(в)** 7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(г)** 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги "Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–162-сон қарорининг 12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"12. Белгилансинки, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясига ахборотлаштириш, рақамли иқтисодиёт ҳамда ахборот ваноширлик соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилишларини бартараф этиш юзасидан республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлат ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколати берилади".

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги "Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ–358-сон қарорида:

**(а)** 1-банд "а" кичик бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини 20 тага етказиш ҳамда юқори қувватли ҳисоблаш серверларини ишга тушириш";

**(б)** 5-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2024 йил 1 декабрга қадар вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида тайёрланган сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхатини муҳокамадан ўтказиш ва тасдиқлаш учун "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи комиссия) киритсин";

**(в)** 6-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"6. Мувофиқлаштирувчи комиссия (А. Арипов)";

**(г)** қуйидаги мазмундаги 10[1]-банд билан тўлдирилсин:

"10[1]. Стратегияда белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши қуйидаги тартибда мувофиқлаштирилади ва мониторинги юритилади:

а) давлат органлари ва ташкилотларининг рақамли трансформация ҳолатини баҳолашда сунъий интеллект бўйича лойиҳаларни жорий қилиш кўрсаткичлари инобатга олинади;

б) Рақамли технологиялар вазирлиги ҳар ярим йиллик якуни билан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ушбу Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан тизимли назоратни ташкил этади ва лойиҳалар ижроси ҳолатига доир таҳлилий маълумотларни Мувофиқлаштирувчи комиссияга киритади;

в) Мувофиқлаштирувчи комиссия ишчи органи таҳлилий маълумотларни Мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишларида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг рақамлаштириш соҳасидаги фаолиятини танқидий кўриб чиқиш учун киритиб боради";

**(д)** 1-иловада:

**(i)** 3-бобда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Стратегиянинг асосий мақсади Рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий "IT-HUB"га айлантириш ҳамда давлат бошқаруви ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект лойиҳаларини амалга ошириш орқали инсонлар ҳаётини енгиллаштириш ва иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга ҳисса қўшишдан иборат";

иккинчи – ўн олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи – ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

4-параграфда:

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"ёшларнинг сунъий интеллект технологияларига қизиқишини ошириш ва стартап экотизимини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида умуммиллий сунъий интеллект хакатонларини ташкил этиб бориш";

ўн биринчи – ўн бешинчи хатбошилар тегишинча ўн иккинчи – ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

5-параграфда:

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



“вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг сунъий интеллект йўналишида етакчи халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва акселераторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш”;

ўн тўртинчи – йигирма биринчи хатбошилар тегишинча ўн бешинчи – йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(ii)** қуйидаги мазмундаги 5–6-боблар билан тўлдирилсин:

**“5-боб. Мониторинг ва ҳисобот бериш механизмлари**

Стратегияда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши ва мақсадларга эришилишининг мониторинги Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан чора-тадбирлар режасида белгиланган ҳар бир вазифанинг бажарилиши ҳолати ва натижадорлик мезонларига кўра ҳар бир ислоҳот кўзланган мақсадларга эришишга хизмат қилаётганлиги ўрганилади ва баҳоланади.

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳар ярим йиллик якуни билан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ушбу Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришилиш ҳолати ва сунъий интеллект лойиҳалари ижросига доир таҳлилий маълумотларни Мувофиқлаштирувчи комиссияга ҳамда Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформасига киритади.

Рақамли технологиялар вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг рақамлаштириш соҳасидаги фаолиятини танқидий кўриб чиқиш учун таҳлилий маълумотларни Мувофиқлаштирувчи комиссияга киритиб боради.

**6-боб. Баҳолаш механизмлари**

Стратегиянинг амалга оширилиш самарадорлиги белгиланган мақсадларга эришиш даражаси ва ривожланиш динамикаси асосида комплекс баҳоланади.

Қуйидагилар Стратегиянинг амалга ошириш самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳисобланади:

**(а)** Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичлари стратегия ижросининг асосий стратегик индикатори бўлиб, унинг умумий самарадорлигини баҳолашга хизмат қилади;

**(б)** мазкур мақсадли кўрсаткичлар Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳоловчи энг муҳим кўрсаткичларда (KPI) акс эттирилади ва доимий назорат қилиб борилади;

QMMB: 06/26/141/0776-son
25.07.2026-y.



**(в)** давлат органлари ва ташкилотларининг рақамли трансформация ҳолатини баҳолашда сунъий интеллект лойиҳаларини жорий қилиш кўрсаткичлари баҳолаш жараёнида инобатга олинади;

**(г)** ахборот технологиялари соҳасида халқаро ташкилотлар томонидан баҳоланадиган рейтинг ва индекслар стратегия ижроси самарадорлигини ташқи баҳолаш мезони сифатида қўлланилади”.

**(ж)** илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга
қадар ривожлантириш стратегиясига
ИЛОВА

